




Баходир Ялангтўш ҳақида тарихий фильм суратга олинди



Ўзбек киноижодкорлари Самарканд амири, машхур саркарда, Регистон асосчиси Амир Баходир Ялангтўшга бағишлаб тарихий бадиий фильм суратга олди. Фильмнинг премьераси Наврўз байрами арафасига режалаштирилган. O'zbekkino фильмнинг [трейлер](#) и ни эълон килди.

Жахонгир Ахмедов режиссёрлигидаги “Амир Баходир Ялангтўш” филмининг жанг сахналари “Nomad Stan’s” халқаро каскадёрлар жамоаси иштирокида суратга олинган. Бу жамоа халқаро каскадёрлар академияси мукофоти “Таурус”га сазовор бўлган.

Жамоа кўплаб Голливуд фильмларининг жанг сахналари устида ишлаган, уларнинг сўнггиси режиссёр ва продюсер Ридли Скотнинг “Наполеон” филми хисобланади.

Фильмда ўзбек актёрлари билан бирга Козогистон ва Киргизистон кино юлдузлари ҳам суратга тушган.